**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 170607 на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий 254-maktab**

Способ проведения электронный

Дата 30.11.2022

Время рассмотрения 04.11.2022 18:28

Закупочная комиссия Халк таълими булими мактаблар, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SULTANOV AXRORDJAN ESHANKULOVICH | мудир | Шайхонтоҳур тумани Халқ таьлими бўлими |
| **Секретарь комиссии** | IKRAMOVA SHAXNOZA QOBILJONOVNA | Таълим жараёнини АКТни жорий этиш методисти | Шайхонтохур тумани ХТБ |
| **Член комиссии** | SULTANOV OYBEK BAXODIROVICH | Камунал хизматлар буйича мутахасиси | Шайхонтохур тумани ХТБ |
| **Член комиссии** | TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH | Экпулотатсия бўлими Хизмат бошлиғи-бош мухандис | шайхонтохур тумани ХТБ |
| **Член комиссии** | RAIMOVA SHAXNOZA UMARJANOVNA | Мутахасис (Таълим муассалари қозонлар ва иситиш тизимларини назорат қилиш бўйича ) | Shayxonyoxur tuman XTB |
| **Член комиссии** | TOJIBOYEVA O'LMASOY XUSAN QIZI | Хўжалик мудири | Шайхонтохур Хтб |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.11.2022 года № лота 170607.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 5.00 / Весовой коэф. ценовой части: 95.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий 254 |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 60 411 863.00 |
| Стартовая сумма | 60 411 863.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ташкилотнинг давлат идоралари рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувоҳнома нухсаси

Обязательность: Не критично

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 5 | 60000000 | 5 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 5 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш муддати (Асословчи ҳужжатлари билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни умумий бажариш графиги ва таклаф қилинган муддатда сифатли ҳамда смета талабларига мос равишда бажариб бериш учун кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 10 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов объектига (мактабгача таълим ташкилоти ёки мактаб каби) ўхшаш давлат буюртмачилигидаги объектларда охирги уч йиллик иш тажриба

Тип: Текстовое значение

Описание: Асословчи ҳужжатлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 10 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 1 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар сони 12 ва ундан юқорилиги, 8 тадан кам бўлмаган олий маълумотли ходимлар (Ф.И.Ш. лавозим ҳамда иш тажрибаси (йил) ҳақида тўлиқ маълумот)

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома

Обязательность: Не критично

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 9 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 1 | Экспертная | | |

Критерий №5 Қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингдаги ўрни ССС дан кам булмаслиги керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома (mc.uz сайтидан олинган маълумот асосида )

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 15 | 15 | 10 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 15 | 60000000 | 15 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 15 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 1 | Экспертная | | |

Критерий №6 Инсофсиз ижрочиларининг ягона ресстрида қайд этилмаганлиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Капфолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 5 | 60000000 | 5 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 5 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №7 Банкдан каротека мавжуд эмаслиги ҳақида асл нусхада маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO BEST CHANGE** | 5 | 60000000 | 5 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 5 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 Танлов иштирокчилар томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Капфолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |
| **OOO BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 10 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 4 | Экспертная | | |

Критерий №9 Солиқ органидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома (Олинганига 10 кундан ошмаган бўлиши керак

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| **OOO BEST CHANGE** | 5 | 60000000 | 5 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 5 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Критерий №10 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ва ўзи таклиф этган суммага розилиги ҳамда ишларини ўз вақтида топшириш тўғрисида розилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 8 | Экспертная | | |

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 10 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 4 | Экспертная | | |

Критерий №11 Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур асбоб-анжомлар ва техника воситаларига эгалиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Асословчи ҳужжатлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 10 | 10 | 7 | Экспертная | | |
| **ООО BEST CHANGE** | 10 | 60000000 | 10 | Экспертная | | |
| **BRENO MCHJ** | 10 | Сўралган маълумот илова қилинмоқда | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО BEST CHANGE** | 60 411 863.00 | 60 000 000.00 UZS | 60 000 000.00 | 00.00 | 60 000 000.00 | 02.11.2022 14:41:10 | 70.45833 |
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 60 411 863.00 | 44 500 000.00 UZS | 44 500 000.00 | 00.00 | 44 500 000.00 | 02.11.2022 14:10:18 | 95 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО BEST CHANGE** | 4.94735 | 70.45833 | 75.40568 |
| **BRENO MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **ASR BIZNES QURILISH MCHJ** | 4 | 95 | 99 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 170607 от 30.11.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту нежилых зданий 254-maktab определила победителем:

ASR BIZNES QURILISH MCHJ
304568223

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

и резервный исполнитель: ООО BEST CHANGE (305973219)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SULTANOV AXRORDJAN ESHANKULOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SULTANOV OYBEK BAXODIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TURSUNOV AKROM DJAVDATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAIMOVA SHAXNOZA UMARJANOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | TOJIBOYEVA O'LMASOY XUSAN QIZI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Шайхонтоҳур тумани халқ
таълими бўлими мудири в.б.

Б.Бакиев
2022 йил

**Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими раҳбарлигида ўтказилган йиғилиш БАЁНИ**

5 декабрь 2022 йил Тошкент шаҳри

| | |
|---|---|
| Раислик қилувчи: | Б.Бакиев – Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мудири в.б., комиссия раиси |
| Қатнашганлар: | Халқ таълими бўлими масъул ходимлари, комиссия аъзолари |

**КУН ТАРТИБИ**

1. 254-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган электрон савдолари тўғрисида.

Б.Бакиев

Кун тартибидаги масала бўйича берилган ахборотлар маълумот учун қабул қилинсин. Ўтказилган электрон савдолари бўйича баҳолаш ишлари якунланиб ҳужжатлар ўрганилди.

**КУН ТАРТИБИ**

Шайхонтоҳур туманида ижтимоий иқтисодий вазиятни яхшилаш, туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларини 2022 йилда жорий таъмирлаш Манзилли рўйхатига биноан ҳамда 28.11.2022 йилдаги Давлат ха́ридининг лот №170607-сонли электрон баённомасига мувофиқ 254-сонли мактабни жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги электрон савдода қуйидаги лойиҳа ташкилотлари "ООО BEST CHANGE", "BRENO MCHJ" ASR BIZNES QURILISH MCHJ қатнашиб қурилиш ташкилотлари 100 баллик бахолаш мезонида иштирок этишган. Электрон савдода бошланғич нарх 60 411 863 сўм этиб белгиланган.

Ўтказилган электрон баҳолаш мезонлари натижасида ""ООО BEST CHANGE" 75.4 балл (60.000.000 сўмга), ASR BIZNES QURILISH MCH" 99 балл

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

тўплаган (44,500,000 сўм) иш сифати яхшилиги ва малака тоифаси юқорилиги билан Комиссия томонидан танланган.

Юқоридаги электрон савдоларда иштирок этган пудратчи ташкилотларни кўриб чиқиб, 254-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш ишларини максимал 100 баллик тизимда 99 балл тўплаган ASR BIZNES QURILISH MCH" ташкилоти 44,500,000 сўм билан ғолиб деб топилди. Аммо ютиб олган корхона электрон баённомани бекор килиб, захирадаги ""ООО BEST CHANGE" 75,4 балл (60,000,000 сўмга) корхона билан электрон баённома шакллантирилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тендер ўтказилгандан Комиссия раиси Б.М Бакиев ушбу электрон савдолардан барчани розилигини инобатга олиб, комиссия

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ""ООО BEST CHANGE" 75,4 балл ( 44.500.000 сўмга) электрон савдоларида берган таклифи билан 254-сонли умумий ўрта таълим мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ғолиб деб топилсин.

2. Давлат харидлари бўйича мутахассис (Б.Изатуллаев):

Шайхонтоҳур туманидаги 254-сонли умумий ўрта таълим мактабни жорий таъмирлаш ишлари бўйича ""ООО BEST CHANGE" билан шартнома тузилсин ҳамда ушбу шартнома бўйича хужжатлар расмийлаштирилсин.

3. Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Ф.Хошимова зиммасига юклансин.

| | |
|---|---|
| Мудир ўринбосари, аъзо | Э.Эгамқулов |
| Бош муҳандис, аъзо | А.Турсунов |
| Бош иқтисодчи, аъзо | М.Турсунхўжаев |
| Бош муҳандис ўринбосари, аъзо | Қ.Амиржонов |
| Таълим сифати мониторинги бўлими бош инспектор-методисти, масъул котиб | О.Сотиболдиев |

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)
№ 15 - сонли

Шайхонтохур тумани «07» 12 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шахар Шайхонтохур туман Халк таълими бўлими тасарруфидаги 254 умумтаълим мактаби рахбари номидан Низом асосида иш юритувчи Б.Бакиев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Best change» номидан Низом асосида иш кўрувчи Турхеджаев иккинчи томондан устав Тошкент шахар Шайхонтохур туман Халк таълими бўлими тасарруфидаги 254 умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1.Мазкур шартномада куйдаги таърифлар қўлланилади;

-ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклигги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килинишии тўгрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

-курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини бўлиб чикиш – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик Смета хужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган холда нархларда жами 44 500 000 сўм ққс билан

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўсимликлар дарахтларини ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;
- қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.
-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мажбуриятини кафолатлаги ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларини (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
-молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради
15. Объектни 30 календарь кунида фойдаланишга топширилиши белгиланади .

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдорида аванс ўтказиш, бу ______ 13 350 000 ______ сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 10 банк кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21.Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойининг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисида

Scanned with CamScanner

Scanned with CamScanner

Scanned with CamScanner

Scanned with CamScanner

21.Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун хисобот ойининг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунига қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.
25. Бeркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.
26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28.Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиладилар.
33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи;

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик бажариш сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бут. буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсат. сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.
Маккур нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.
Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:
- шартнома кучга кирганидан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
36. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
39. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 395 сонли карори билан, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.
42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган такдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажарии кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тўлайди;
- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банк куни ичида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди;
- шартномага мувофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асосий равишда кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди;
- шартнома шартларига мувофик тайёр холда кабул килиш учун такдим килинган объектни асосий равишда кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгиланганидан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларини бажармаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

44. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, хазина атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0.1% миқдорида жарима тўлайди.

45. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслиги керак.

47. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни ундиришда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар музокара билан келишувга эришмасалар, улар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

## XIV.Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

50. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

52. тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларининг рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар.жумладан:

- тарафларнинг ёки вакилларидан маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли шахс учун рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

53. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий тарафга ноқулайликлар туғдириш, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча

Scanned with CamScanner

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига техник ва ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
57. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бўлган даврдаги ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
60. Мазкур шартноманинг нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. бўйича ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.
61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.
62. Мазкур шартнома томонлар имзолаб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга киради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.
63. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| ПУДРАТЧИ: | БУЮРТМАЧИ: |
|---|---|
| ООО BEST CHANGE | Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур Халқ таълими бўлими 254 умумтаълим мактаби |
| Манзил: г. Ташкент Шайхонтохур р-н Уйгур 10 | Манзил: |
| Телефон: 99898 303-16-36 [illegible] | Телефон: +99871 235 35 72 |
| х/р: 2020800000568102001 | х/р: 100022860262777092100073056 |
| ИНН: 305 973 219 | ИНН: 200936514 ОКЭД: [illegible] |
| Банк: КТБ Ipak bank Uchtepa fil | Молия вазирлиги ғазначилиги |
| МФО: 0165 | х/р: 23402000300100001010 |
| ОКОНХ: | Банк: Марказий банк [illegible] ш. |
| | МФО: [illegible] 22919 |

Раҳбар [signature] Бурходжиев Р.Р.

Раҳбар [illegible]

МЎ

BEST CHANGE

Ҳуқуқшунос__________

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

.

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shayxontohur tuman XTB tomonidan 07.12.2022-yilda "E-huquqshunos" elektron tizimi orqali tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

**4. Loyihaning qisqacha mazmuni:** "BEST CHANGE"MCHJ bilan Shayxontohur tuman XTB o'rtasida 44.500.000 so'mlik shartnoma.

## XULOSA

O'tkazilgan huquqiy ekspertiza natijalariga asosan ushbu hujjat loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i:** **D.Tog'ayev**

Scanned with CamScanner
Scanned with CamScanner